

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭРДОНОВ ОРИФ ЛАТИПОВИЧ

**МИНИ-ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ СПОРТЧИ
ҚИЗЛАРНИНГ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ БОШҚАРИШ**

**13.00.04. – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Эрдонов Ориф Латипович

Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг тайёргарлигини бошқариш..... 5

Эрдонов Ориф Латипович

Управление подготовленностью спортсменок высокой квалификации по мини-футболу..... 34

Erdonov Orif Latipovich

Instructing the preparation of high qualified sportswomen in mini-football.... 65

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works..... 70

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭРДОНОВ ОРИФ ЛАТИПОВИЧ

**МИНИ-ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ СПОРТЧИ
ҚИЗЛАРНИНГ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ БОШҚАРИШ**

**13.00.04. – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Ped307. рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzdjtsu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Кошбахтиев Ильдар Ахмедович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдиев Абдулла Носирович
педагогика фанлари доктори, профессор

Шарипова Диляра Джуманиязовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Саламов Рахматилла Саламович
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e.mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий А биноси, 1-қават, 114-авдитория).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Ахборот-таълим марказида танишиш мумкин _____ рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилган.
(2019 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Р.Д.Халмухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д.

А.Н.Абдиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда спортнинг юқори натижалар ривожланишида хотин-қизларнинг янада фаол жалб қилиниши билан кузатилмоқда. Эътироф этиш жоизки, спортда, жумладан, мини-футболда спортчи қизларни тайёрлаш борасидаги илмий ёндашувлар ва услубий ишланмалар, одатда, «катта» ва «кичик» футболда эркаклар тайёргарлигида тўпланган тажрибаларга асосланади. Спортчи қизлар тайёргарлигидаги бундай ҳолат бир қатор омилларга боғлиқ: биринчидан, мини-футбол бўйича ихтисослашаётган малакали спортчи қизларни тайёрлаш назарияси ва амалиётида илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги; иккинчидан, жаҳонда анатомик-морфологик ва функционал кўрсаткичларнинг кенг доираси бўйича бажарилган кўп соҳавий тадқиқотлар натижасида олинган ахборотга асосланувчи ёндошувнинг ҳаққонийлигидир.

Етакчи хорижий мамлакатларда шу жумладан, Бразилия, Португалия, Россия, Испания, Германия давлатларида мини-футбол бўйича мусобақаларда малакали спортчи қизлар томонидан кўрсатилган юқори спорт натижалари барқарорлигининг асосий омилларидан бири – бу кўп йиллик тайёргарлик жараёнида индивидуал тайёргарликни мақсадли бошқаришга қаратилган. Футбол ва мини-футбол назарияси ва методикаси концептуал асослари ва айрим ўйин спорт турларида илгари ҳам малакали спортчиларни тайёрлаш масаласида жумладан: уларнинг ҳар томонлама ривожланишини бошқариш, организмнинг анатомик-физиологик ва психологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда юкламаларини тақсимлаш ва режалаштириш юзасидан илмий изланишлар олиб борилган. Юқори малакали спортчиларни мусобақага тайёрлашда техника ва тактикасини такомиллаштириш ва уларнинг ҳаракат сифатларини самарадорлигини ошириш механизмлари ишлаб чиқилган.

Республикамиздамини-футбол билан шуғулланувчилар сонининг мунтазам ўсиб бориши ва ушбу ўйин вазифаларининг кескин кенгайиб бориши мини-футболни бошқариш тизимини тубдан янгилашни ва замонавий спорт-педагогик ва мультимедиа технологиялари асосида юқори малакали спортчилар тайёрлаш самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда. Президентимиз ўз фармонида таъкидлаганидек, “Спортчилар тайёрлашнинг замонавий талабларга жавоб берувчи инновацион ва услубий стандарт ишланмалар ҳамда уларнинг тиббий таъминотининг йўқлиги ўқув-машғулот жараёнини сифатли йўлга қўйиш имконини бермайди”¹. Айти пайтда республикамизда мини-футбол бўйича ихтисослашаётган малакали спортчи қизларни тайёрлаш жамоа ўйинчиларининг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўқув-машғулот жараёнини тузишга нисбатан илмий асосланган ёндашувни, спортчи қизлар тайёргарлигининг дастлабки ва жорий ҳолатини баҳолаш, бу ҳолатни ўзгартиришнинг объектив баҳоларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг техник-тактик маҳорати даражаси ҳамда

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3031-сонли Фармони.

мусобақафаолияти хусусиятларини эътиборга олишни тақозо этади. Тайёргарликни бошқаришнинг ушбу барча таркиблари бўйича аёллар ва эркеклар мини-футболи орасида жиддий фарқли жиҳатлар мавжуд. Юқорида баён қилинган ҳолатлар, шунингдек, мини-футбол бўйича ихтисослашадиган малакали спортчи қизлар тайёргарлигини бошқаришга доир илмий маълумотларнинг йўқлиги малакали спортчи қизлар тайёргарлигини бошқариш тизимини такомиллаштириш шарти сифатида машғулот жараёнини ташкил этиш усулларини ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигини белгилаб беради. Санаб ўтилган қарама-қаршиликлар тадқиқот муаммосини келтириб чиқарадики, у мини-футбол бўйича кўп йиллик тайёргарлик жараёнида малакали спортчи қизларнинг индивидуал тайёргарлигини бошқаришга бўлган инновацион ёндашувни ишлаб чиқиш, тажрибада асослаш ва амалга ошириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги ЎРҚ-394-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистонда 2017-2021 йиллар учун жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш дастури тасдиқланди. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Фармонининг рўёбга оширилишини таъминлашга йўналтирилган ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи². Футбол ва мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларни тайёрлашнинг назарий ва услубий жиҳатларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан Ёшларни олий ютуқлар спортга тайёрлаш марказида, Лейпциг машғулот тўғрисидаги амалий фан институтида [Германия Федератив Республика], Корея спорт тайёргарлиги марказида, Япония Миллий машғулот марказида, Томск давлат университетида, П.Ф.Лесгафт номидаги Миллий жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик университетида, Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети ҳамда Спорт илмий-тадқиқот институтида [Россия Федерацияси] ўтказилган.

Жаҳонда малакали футболчи қизларнинг турли хил тайёргарлик босқичларида ўқув-машғулот жараёни тузилиши ҳамда мазмунини бошқаришни аниқлаш юзасидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида

жисмоний тайёргарлик даражасини миқдорий баҳолаш шкаласи малакали футболчи қизларнинг комплекс назорати тизими сифатида ишлаб чиқилган [Ёшларни олий ютуқлар спортга тайёрлаш маркази], футболчи қизларнинг юкламага нисбатан реакциясининг томир уриши кўрсаткичлари аниқланган, тайёргарлик даврининг турли босқичларида ҳар хил йўналишдаги машғулот таъсирларининг хусусий ҳажмлари аниқланган [Лейпциг машғулот тўғрисидаги амалий фан институти, Германия Федератив Республика], футболчи қизларнинг мавсум олди тайёргарлигини тузишда тўғри ёндашиш учун машғулот дастурлари ишлаб чиқилган [П.Ф.Лесгафт номидаги Миллий жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик университети], футболчи қизларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси кўрсаткичлари аниқланган [Спорт илмий-тадқиқот институти, Россия Федерацияси].

Ҳозирги пайтда жаҳонда юқори малакали футболчи қизларнинг жисмоний, техник-тактик, психологик тайёргарликларини бошқариш ва такомиллаштириш юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда, хусусан тадқиқотлар куйидаги устувор йўналишлар бўйича ўтказилмоқда: кўп йиллик тайёргарлик босқичларида юқори малакали футболчи қизларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини бошқариш ва такомиллаштириш, шунингдек, футболчи қизлар тайёргарлигининг турли томонлари, хусусан футболчи қизларнинг махсус тайёргарлиги ҳамда психо-физиологик ҳолатини аниқлаш учун юқори технологияли инструментал услубиятларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Спорт амалиёти ўзи асосланадиган тегишли назарий базани тақозо этади А.Е.Бабкин, А.А.Полозов, А.В.Евсеев, А.Н.Крайнов, С.А.Айткулов, Д.М.Конуров ва бошқалар, томонидан ўйинчиларнинг асосан техник-тактик ва психологик-жисмоний тайёргарлигига услубияти ишлаб чиқилган. Мазкур спорт турида ҳозирга қадар спортчи қизларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини бошқариш муаммолари юзасидан тадқиқотлар базаси етарлича ўрганилмаган. Бироқ халқаро майдондаги кескин рақобат спортчи қизлар тайёргарлигини бошқаришнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқишни тақозо этади, бу диссертация иши мавзусининг долзарблигини тасдиқлайди³.

² www.iat.uni-ieipzig.de/; <https://visitjapan.ru/>; <https://vniifk.ru/>; www.iesgaft.spb.ru/; www.sported.ru/.

³ Бабкин А.Е. Технология планирования физической и технико-тактической подготовки команды по мини-футболу при туровой организации соревнований: автореф. дис. ...кан.пед.наук. -М.: 2004, -23 с.; Полозов А.А. Система рейтинга при проведении личного первенства в командных видах спорта без изменения структуры игры: автореф. дис. ...кан.пед.наук. -Тюмень.: 1999, -19 с.; Евсеев А.В. Педагогический контроль за технико-тактической деятельностью игроков команды по мини-футболу: автореф. дис. ...кан.пед.наук. - Екатеринбург: 2006, -22 с.; Крайнов А.Н. Педагогические условия формирования психофизической подготовленности девочек 11-12 лет в урочной форме занятий: на примере мини-футбола: автореф. дис. ...кан.пед.наук. -Тула.: 1999, -20 с.; Айткулов С.А. Формирование технико-тактических действий квалифицированных спортсменов в мини-футболе: автореф. дис. ...кан.пед.наук. -Челябинск.: 2005, -26 с.; Конуров Д.М. Построение учебно-тренировочного процесса на основе комплексной оценки нагрузок квалифицированных спортсменов в мини-футболе: автореф. дис. ...кан.пед.наук. -Малаховка.: 2008, -24 с.

⁴ Загайнов Р.М. Психологическое мастерство тренера и спортсмена: -М.: Советский спорт, 2005, -106 с.; Керимов Ф.А. Спортивная наука - основа современного тренировочного процесса. / Сб. научных тезисов межд. научно-практ. конф. Проблемы совершенствования системы подготовки высококвалифицированных спортсменов к олимпийским играм. 25-26 май 2006. -Т. -С.3-6. Семёнова И.И., Егорычева Е.В., Чернышева И.В. Психологические аспекты повышения эффективности физического воспитания и спорта. / Мат. межд. научно-практ. конф. студентов и молодых учёных. 22 апреля 2011, Т.II. -Иркутск, -С.144-146.

Таниқли мутахассислардан Р.М.Загайнов, Ф.А.Керимов, И.И.Семёнова, У.Б.Егоричева, И.В.Чернишева шуни эътироф этадиларки, спорт замонавий жамият ҳаётида катта ўрин эгаллайди. У инсоннинг нафақат ҳар томонлама жисмоний ривожланишини таъминлайди, балки унинг ахлоқий-иродавий сифатларини тарбиялашга ёрдам беради⁴.

Ҳозирги вақтда малакали спортчиларнинг ҳар томонлама тайёргарлиги спорт такомиллашувининг кўп йиллик ва кўп босқичли мураккаб жараёни ҳисобланади, бунга оқилона бошқарув тизими ёрдам беради. Спортчи ҳолати ва унинг тайёргарлигининг турли (жисмоний, техник, тактик, психологик) томонларини текшириш бошқарув тизимида энг мураккаб ҳисобланади. Т.С.Васюшченкова шуни таъкидлаб ўтадики: “Спортчи тайёргарлигини бошқариш – мураккаб ва кўп қиррали жараён”⁵. Олдингақўйилган вазифаларга қараб тайёргарлик томонлари турли хил кўрсаткичлар – педагогик, физиологик, психологик кўрсаткичлар тўлами орқали ифодаланиши мумкин⁶. Айни пайтда айрим муаллифлар шундай мулоҳазаларни билдиришадики, машғулот жараёнини бошқариш учун спортчининг машқланганлик даражасини баҳолашда билвосита кўрсаткич сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ўхшаш машқларни кўриб чиқиш мумкин М.А.Годик ҳам худди шу фикирни маъқуллайди⁶.

Z.Naglak, DanielMutti, И.Н.Солопов, А.А.Шамардин, В.В.Чёмов, L.A.Parada каби мутахассисларнинг хулосаларини эътироф этиш мумкинки, якуний мақсад энг юқори спорт натижасига эришиш ҳисобланган спорт машғулоти спортчи организмнинг шу натижани таъминлашга қодир бўлган функционал имкониятлари даражасини ривожлантиришга йўналтирилган⁷. Замонавий спорт машғулотининг бир қатор муаммоларини ҳал этишда, биринчи навбатда, спортчи тайёргарлигини бошқариш тезкорлиги ва сифатини ошириш ётади. Шу билан бирга, функционал тайёргарлик спорт-техник натижа кўринишида намоён бўлувчи махсус ҳаракат функцияси

⁴Васюшченкова Т.С. К вопросу об управлении подготовкой спортсмена в плавании. / Мат. X межд. научно-метод. конф. Организация и методика учебного процесса физкультурно-оздоровительной и спортивной работы. МГУ. -2008. -С.346-347.

⁵Годик М.А. Двигательная активность футболистов в условиях соревновательной деятельности. //Ташкент «Фан спортга». 2005, -№3. -С.17-24.

⁷Naglak Z. Metodyka trenowania sportowca. -Wroclawsu: Skrypty AWF, 1999. -296 s., DanielMutti.Futsal.Dainiciasaooaltonivel. -CamaraBrasileiradi Livro,SP, Brasil, 1999. -268p., СолоповИ.Н., ШамардинА.А., ЧёмовВ.В. Сущностьструктурафункциональнойподготовленностиспортсменов. // Теорияипрактикафиз. культуры. 2010, -№8 -С.56-60., Parada L.A. Preparacion fisica en el futbol sala (entrenamiento integral del jugador). -Badalona. «Paidotribo». 2015. -272 p.

⁸Мищенко В.С. Функциональные возможности спортсменов. - Киев: Здоровье, 1990, -200 с., Платонов В.Н. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. -Киев. Олимпийская литература, 1997, -584 с., Горбонёва Е.П. Качественные характеристики функциональной подготовленности спортсменов. - Саратов. 2008, -145 с.

⁹Godik M.A. Futebol. Preparacao Dos Futebolistas de Alto Nivel. -Rio de Janeiro, Editora Grupo Palestra Sport, 1996, -182 p., Tejada J.V., Penas J.L. Entrenamiento de base en el futbol sala (fundamentosteoricos yaplicacionespractices). -Badalona. «Paidotribo».2007. -296p.

¹⁰Маришук В.Л., Серова Л.К. Информационные аспекты управления спортсменом. -М.: «Физкультура и спорт». 1983. -111 с.; Кошбахтиев И.А., Нуримов Р.И. Программирование подготовки футболистов высокой квалификации: -Ташкент. Изд. «Зиё» -2005, -120 с.; Кошбахтиев И.А., Эрдонов О.Л. Использование мониторов сердечного ритма для оценки соревновательной и тренировочной нагрузки при подготовке спортсменов высокой квалификации по мини-футболу. // - Ташкент «Фан-спортга». 2009, -№2. -С.21-27.

учун организмнинг асосий хусусиятлари пойдевори сифатида қаралади. Спорт-техник натижа спортчининг жисмоний, техник ва тактик тайёргарлигинингнамоён бўлиши орқали рўёбга чиқади В.С.Мишченко, В.И.Платонов, Е.П.Горбонёва⁸. Ўз навбатида, М.А.Godik, А.В.Роров, М.А.Godik, J. V. Tejada, J. L. Penas кўп карра такрорлаб ўтадиларки, мусобақа машқи юкламаси машғулот машқларини танлаб олиш ва тақсимлаш учун асос бўлиши керак⁹.

Ўқув-машғулот жараёнининг жадаллаштирилишига уни бошқаришнинг янги усулларини яратиш ҳисобига эришилади. Анъанавий машғулот услубларига қараганда, янада юксакроқ, энг яхши мураббийларнинг дастурий маҳсулотларда акс этган тажрибаси имконияти ҳисобига ҳар томонлама тайёргарлик, мусобақа фаолиятининг ахборот банкини сақлаш, тўлдириш, тизимлаштириш ва тезкор равишда фойдаланиш имконияти мураббийни одатий, ноижодий меҳнатдан озод қилади, унга тайёргарликни бошқаришга кўпроқ эътибор қаратишга ёрдам беради. Мини-футбол бўйича спорт машғулотининг классик услубияти футболдан олинган анъанавий шаклларва воситаларга асосланган. Бунда спортчилар тайёрлаш тизимининг ажралиб турувчи хусусияти машғулот жараёнида ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни таъминловчи ахборот муҳити элементининг (жисмоний ривожланиш, ҳаракат тайёргарлиги, мусобақа фаолияти маълумотлари) мавжудлиги ҳисобланади В.Л.Маришук, Л.К.Серова, И.А.Кошбахтиев, Р.И.Нуримов, И.А.Кошбахтиев, О.Л. Эрдонов¹⁰. Ахборот технологияларининг қўлланилиши машғулот жараёнини бошқариш мазмуни, шакллари ва услубларига катта таъсир кўрсатади. Айни пайтда эътироф этиш жоизки, ахборот технологиялари (ўйинларнинг видеоёзувлари, велоэргометр, юрак ритми монитори, ёғ массасининг таҳлилий тарозиси) ҳар доим машғулот жараёнининг ажралмас қисми бўлган.

Машғулот жараёнида замонавий ахборот технологияларининг пайдо бўлиши компьютер технологияларидан фойдаланишга йўналтирилган, бу спортчиларнинг индивидуал тайёргарлиги кўрсаткичлари асосида машғулот жараёнини бошқариш имкониятларини анча кучайтирди. Мураббийнинг педагогик фаолиятида ахборот технологиялари орасида мультимедиа технологиялари алоҳида ўрин эгаллайди С.В.Коломнец, О.А.Засыпкина, Е.В.Фомина¹¹. Замонавий мультимедиа технологиялари, дастурий воситалародатийларидан фарқланувчи ахборотни акс эттиришда катта имкониятларга эга ва машғулот жараёнига бўлган мотивацияга, машқ бажариш тезлиги ва аниқлигига, шу тариқа, умуман, ўқув-машғулот жараёни самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади В.Н.Платонов¹².

¹¹Коломнец С.В., Засыпкина О.А., Фомина Е.В. Информационные технологии в деятельности педагога по физическому воспитанию в педагогическом вузе./ Мат. Всеросс. научно-практ. конф. «Современные направления развития физической культуры и туризма». -Саранск. 2012, -С.144-145.

¹²Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в олимпийском спорте. Общая теория и её практическое применение. -К.: Олимпийская литература, 2004, -808 с.

¹³Жилкин А.И., Кузьмин В.С., Сидорчук Е.В. Легкая атлетика: учеб. пособие для студ.высш.учеб.заведений. -М.: Изд.центр. «Академия»: 2008, -464 с.

Ўз навбатида, А.И.Жилкин, В.С.Кузьмин, Е.В.Сидорчук,¹³ аёллар енгил атлетика спорт турида ўқув-машғулот жараёнини бошқариш хусусиятларини кўриб чиқаётиб, таъкидлайдиларки, хотин-қизларда тезкор ва кучли ҳаракатларга бўлган қобилятлар камроқ, бу енгил атлетика машқлари техникасини эгаллашда қийинчиликларнинг келиб чиқишига мусобақаларда муваффақиятсизликка учрашга сабаб бўлиши мумкин. Бу камчиликни бартараф этиш учун спортчи қизларнинг тезлик-куч тайёргарлигини яхшилаш билан махсус шуғулланиш зарур. Хар томонлама тайёргарликни бошқариш спортчи қизларнинг спорт-техник маҳоратини такомиллаштириш захираларидан бири ҳисобланади.

Бошқарув - бу спорт-техник маҳоратни ошириш мақсадида спортчи қизга таъсир кўрсатишдир, у мусобақа фаолияти самарадорлигига эришишга ёрдам беради. Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг тайёргарлигини бошқариш шуниси билан алоҳида аҳамиятга эгаки, ўқув-машғулот жараёнининг мазмуни, режалаштирилиши, жадаллиги, ҳажми хотин-қизлар организмнинг биологик хусусиятларига боғлиқ бўлган айрим фарқларга эга. Олий натижалар спортининг ўсиб боровчи тенденцияси машғулот юкламалари ҳажми ва шиддатини спортчи қиз организмнинг функционал имкониятлари чегарасига яқинлаштириш ҳисобланади. Бу муаммо спорт ўйинларида, айниқса мини-футболда кескин акс этади. Спортчи қизлар таёргарлигини бошқариш муайян тайёргарлик босқичида организм ҳолати ва унинг машқланганлик даражаси тўғрисидаги объектив маълумотларни тақозо этади. Юрак қисқариш тезлиги (ЮҚТ) спортчи қизнинг саломатлик ҳолати ва жисмоний ишчанлик қобилятини назорат қилишнинг энг қулай, осон дастурлаштириладиган, қайд этиладиган ва етарлича ахборотли кўрсаткич ҳисобланади. ЮҚТ ни дастурлашда ва назорат қилишда электрон-техника аппаратураларининг комплекс тарзда қўлланилиши организмнинг ўта зўриқиши ва ўта машқланишидан сақланган ҳолда машғулот жараёнини аниқ бошқаришга имкон беради. Бироқ мусобақа фаолияти етарлича ўрганилмаган, юқори малакали спортчи қизларнинг модел тавсифлари ишлаб чиқилмаган. Мазкур диссертация ишининг зарурати шу билан тушунтирилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларида юқори малакали спортчилар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш” йўналиши бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг халқаро мусобақалардаги мусобақа фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи тайёргарликни бошқариш тизимининг моҳияти, тузилмаси ҳамда мазмунини назарий асослаш, ишлаб чиқиш ҳамда тажрибада тасдиқлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жисмоний ривожланиш, жисмоний ишчанлик қобилияти, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик, мусобақа фаолияти параметрларини, уларнинг ўзаро боғлиқликлари ҳамда тайёргарликни бошқаришнинг омилли тузилмаси хусусиятларини аниқлаш асосида мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг таёргарлигини бошқариш учун назорат тестларни асослаб бериш;

юқори малакали спортчи қизларнинг индивидуал тайёргарлик омилларини аниқлаш;

юқори малакали спортчи қизлардан иборат тажриба ва назорат жамоалари маълумотларини солиштирувчи қиёсий педагогик тажриба асосида спортчи қизлар тайёргарлигини бошқариш тузилмасини тажрибада асослаш ва амалиётга жорий этиш;

мультимедиа технологияларини қўллаш асосида спортчи қизлар тайёргарлигини бошқариш сифатини ошириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларининг самарали воситаларини аниқлаш;

мусобақа фаолияти самарадорлигини, умуман олганда, жамоасининг халқаро ўйинлардаги муваффақиятини ошириш мақсадида мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг ҳар томонлама индивидуал тайёргарлиги моделини асослаш;

юқори малакали спортчи қизларнинг индивидуал тайёргарлиги мониторинги схемасини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини бошқариш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг индивидуал тайёргарлигини бошқариш тузилмаси.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида илмий ва илмий-услубий адабиётлар таҳлили, антропометрия, ўйинларнинг видеоёзувлари, тест синовлари, инструментал методлар (велоэргометр, юрак ритми монитори-интерфейс-компьютер тизими), математик статистика, педагогик кузатувлар усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг тайёргарлигини бошқариш жараёни модели ишлаб чиқилган;

мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг индивидуал тайёргарлигини ифодаловчи, етакчи омиллар мусобақа фаолияти параметрларибир омилли дисперсияли таҳлил натижаси орқали такомиллаштирилган;

мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг тайёргарлигини бошқариш тузилмаси, педагогик кузатувлар ва юрак ритми мониторидан фойдаланган ҳолда мусобақа фаолиятини аниқлашга қаратилган ишончли ахборот берувчи тестлар, умумий ва махсус жисмоний тайёргарликни ифодаловчи омилларни баҳолаш мезонлари асослаб берилган;

мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг модел тавсифлари (спортдаги имкониятлар, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик, мусобақа фаолияти) кўрсаткичларини белгилаш орқали аниқланган;

тезкор, жорий ва босқичли педагогик назоратда муваффақиятли қўлланилган спортчи қизларнинг тайёргарлиги параметрлари (уларнинг жисмоний ривожланиш, КМИҚ, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик маълумотлари) халқаро мусобақаларга тайёргарлик даражасини белгилаш орқали аниқланган;

мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг тайёргарлигини баҳолаш мезонлари физиоетрик (ёш, гавда узунлиги ва оғирлиги), тезлик-куч тайёргарлиги (турган жойдан сакраш, беш ҳатлаб сакраш, 15 м, 30 м, 60 м.га югуриш, узокқа зарб билан тўпни йўллаш, 3x7 м.га югуриш 7x50 м.га югуриш, 30 м.га, тўп билан югуриш), универсал (30 дақиқа давомида тўп ўйнатиш), мусобақа фаолиятини (ТТХларнинг умумий сони, ҳаракат фаоллиги ҳажми, тўп узатишлар, тўпни тўхтатиш, тўпни майдон ташқарисидан ва бурчакдан ўйинга киритиш, дарвозага зарба йўллашлар) баҳолаш мезонлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

техник-тактик ҳаракатларнинг сони, аҳамияти, бажарилиш самарадорлиги ва ҳаракат фаоллиги нуқтаи назаридан мусобақа фаолияти аниқланган;

мусобақа фаолияти параметрларининг боғлиқлик даражаси аниқланган, бу спортчи қизларнинг тайёргарлигини бошқариш учун ишончли тестларни аниқлашга имкон берди;

Осиё икки йиллик циклидаги ҳар томонлама тайёргарлик параметрлари ишлаб чиқилган.

Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини бошқаришнинг илмий асосланган инновацион технологияси, мусобақа фаолияти самарадорлигини оширишга, ҳамда муваффақиятини таъминлашга хизмат қилувчи назарий-методологик асос ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотдан олинган натижалар аниқланган ишончли тестлардан фойдаланган ҳолда мониторинг олиб бориш асосида юқори малакали спортчи қизларнинг спорт машғулоти назарияси ва услубиятини муҳим даражада тўлдиради. Спортчи қизларнинг тайёргарлигини баҳолаш ва бошқариш учун расмий ўйинларда самарали иштирокни таъминловчи ишончли тестлар ҳамда омилли тузилмаларнинг қўлланилиш имкониятлари исботланган. Кўп йиллик тайёргарликнинг йиллик мусобақа циклида мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг тайёргарлигини бошқариш тизими ишлаб чиқилган. Машғулоти жараёнига нисбатан бундай ёндашув нафақат мини-футболда, балки бошқа спорт ўйинларида истиқболли ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Хар томонлама тайёргарликнинг аниқланган омиллари (ҳаракат фаоллиги ҳажми, тўп ўйнатиш, умумий ТТҲлар, тўп узатишлар, тўпни тўхтатишлар, турган жойдан сакраш, гавда оғирлиги, кислородни максимал истеъмол қилиш, тўпни олиб қўйиш) асосида тескари алоқалар (жисмоний тайёргарлик тўғрисидаги маълумотлар, мусобақа фаолияти, функционал тайёргарлик маълумотлари) ёрдамида мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг индивидуал тайёргарлигини бошқариш тузилмаси ишлаб чиқилган.

Спортчи қизларнинг жисмоний, функционал тайёргарлигининг, мусобақа фаолиятининг модел тавсифлари ишлаб чиқилган, индивидуал маълумотларини модел кўрсаткичлар билан таққослаган ҳолда ўқув-машғулотлар ишидаги йўналишлар ҳамда энг яхши натижага эришиш йўллари аниқлаб олинади. Аниқланган ишончли тестлар асосида спортчи қизнинг индивидуал тайёргарлигининг ишлаб чиқилган мониторинги ўқув-машғулот жараёни самарадорлигини назорат қилишга ва унга тузатишлар киритишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Амалга оширилган педагогик тажриба давомида олинган илмий натижалар асосида:

спортчи қизлар тайёргарлигининг бошқариш тузилмаси Қарши шаҳридаги “Севинч” мини-футбол жамоасининг ўқув-машғулотлари жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 03-07-08-3612-сон маълумотномаси). Натижалар жамоавий тактик ҳаракатларнинг самарадорлигини 10% га ошириш имконини берган;

спортчи қизларнинг тайёргарлигини бошқаришнинг ишлаб чиқилган тузилмаси, Қарши шаҳридаги “Севинч” футбол жамоасида (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги чемпионатида I ўрин) ва Тошкент шаҳридаги ТАТУ терма жамоасида (Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги чемпионатида II ўрин) қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 03-07-08-3612-сон маълумотномаси). Юқори натижаларга эришилган;

“Севинч” ва “ТАТУ” жамоаларига жорий қилинган юқори малакали спортчи қизлар тайёргарлигини бошқариш услубияти қизларнинг ҳар томонлама тайёргарлиги параметрларини ўртача 9% га ҳамда мусобақа фаолияти маълумотларини яхшилади. (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 03-07-08-3612-сон маълумотномаси). Натижада, 22 тестдан 52% га яхшиланишга эришилган;

мини-футбол бўйича спортчи қизларнинг тайёргарлигини бошқаришнинг тузилмаси ишлаб чиқилган, ва жисмоний тарбияга ихтисослашмаган олий ўқув юрти (ТАТУ) талаба қизларининг спортга йўналтирилган жисмоний тарбиясижараёнида тадбиқ этилган. “Инновационная технология управления индивидуальной подготовленностью высококвалифицированных спортсменов по мини-футболу”, “Сердце

и физическая активность, средства мониторинга подготовленности занимающихся физическими упражнениями и спортом” иккита монография ва “Оздоровительная физическая культура в системе образовательного процесса по физическому воспитанию студентов” номли ўқув қўлланмада акс эттирилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 03-07-08-3612-сон маълумотномаси). Натижада талаба қизларнинг жисмоний тайёргарлиги яхшиланди, мусобақа ва ўқув-машғулотлари жараёнига муносабати ва мотивациясини ошишига хизмат қилган;

ишлаб чиқилган бошқариш тузилмаси, юқори малакали спортчи қизлар индивидуал тайёргарлиги самарадорлиги натижалари Ўзбекистон миллий аёллар терма жамоасининг ва олий лига жамоалари сараланган аъзоларида Ўзбекистон чемпионати, кубоги мусобақалари ҳамда халқаро турнирларга тайёргарлиги давридаги жараёнига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 03-07-08-3612-сон маълумотномаси). Бу тавсиялардан юқори малакали спортчиларни тайёрлашда фойдаланилган;

тўртта тасниф гуруҳ мезонлари қўлланилиши асосида аниқландики мусобақа натижаларига ижобий таъсири ва комплекс педагогик назорати мотивацияси яхшиланган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 03-07-08-3612-сон маълумотномаси). Натижада мусобақаларда юқори натижаларга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий-услубий ишлар, жумладан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси Президиуми томонидан тасдиқланган илмий журналларда 12 мақола, шулардан 5 та мақола хорижий даврий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 181 бетдан иборат компьютер матнида баён қилинган, кириш, тўртта боб, 23 та жадвал, 18 та расм, хулоса, амалий тавсиялар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида футбол, мини-футболни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти, предмети, услублари, илмий янгилиги, амалий ва назарий аҳамияти, олинган маълумотларнинг ишончлилиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, ишнинг апробацияси, натижаларнинг

эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг тайёргарлиги жараёнини бошқариш воситаларини асослаш”** деб номланган биринчи бобида мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг ҳар томонлама тайёргарлиги ва мусобақа фаолияти параметрлари омилли тайёргарлик тузилмаси, ТТХлар арсенали, аҳамияти ва самарадорлиги параметрлари келтирилган.

Тасдиқловчи тажрибада олий лиганинг **“Севинч”** ва **“Олимпия”** жамоалари юқори малакали спортчи қизлари катнашдилар. Тажриба антропометрия кўрсаткичларидан (гавда оғирлиги ва узунлиги) фойдаланиб амалга оширилди, спортчи қизларнинг ёши, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари (15 м, 30 м, 60 м.га югуриш, 3x7 м.га моқисимон югуриш, 7x50 м.га югуриш, 30 м.га тўпни олиб юриш, турган жойдан узунликка сакраш, турган жойдан беш хатлаб сакраш, узоққа зарба бериш, 30 дақиқа ичида тўп ўйнатиш), функционал тайёргарлик (кислородни максимал истеъмол қилиш), мусобақа фаолияти параметрлари (тўп узатишлар, тўпни олиб кўйиш, тўпни тўхтатиш, рақибасини алдаб ўтиш, бош билан ўйнаш, дарвозага зарба йўллаш, тўпни майдон ташқарисидан, бурчакдан ўйинга киритиш, ҳаракат фаоллиги ҳажми, техник-тактик ҳаракатларнинг (ТТХ) умумий сони) ҳисобга олинди. Ишда математик-статистик таҳлил услубларидан фойдаланилди: тадқиқот натижалари статистик ишлаб чиқилди, бу ерда гуруҳларнинг статистик кўрсаткичлари: ўртача стандарт оғишлар, корреляция ҳамда параметр қиймати ҳисоблаб чиқарилди. Барча қисоб-китоблар **“Windows-Excel”** компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Мини-футбол бўйича спортчи қизларнинг жисмоний ривожланиш, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик ва ўйин фаолияти маълумотларининг таҳлили. Ўртача ёш $X=20,7\pm 4,1$ ёшни ташкил этди. Энг катта ёшдаги спортчи қизнинг ёши $X=29$ ёш, энг кичиги - 16 ёш. Ўртача ёшдан катталар - 13 нафар қиз (46,5%), ўртача ёшдан кичиклар - 15 (53,5%). Гавда узунлиги ўртача $X=160\pm 4,4$ см, ўн нафар спортчи қиз ўртача кўрсаткичдан баландроқ (35,5%), Тўртта қиз ўртача қийматга тенг кўрсаткичга эга (14,3%). Энг баланд қизнинг бўй узунлиги 173 см., энг паст бўйли спортчи қизда - 154 см, гавда оғирлигида қуйидаги қийматлар аниқланди - ўртача $X=54,9\pm 7,3$ кг. Бу параметрдан юқорироқлар - 13 нафар қизда (46,4%), энг баланд бўйли спортчи қизда - 72 кг, энг паст бўйли қизда эса - 45 кг. Жисмоний ишчанлик қобиляти бўйича қуйидагилар аниқланди: ўртача қиймат $X=48,6\pm 5,9$ мл/мин/кг ни ташкил этди. Ўртача қийматлардан юқорироғи 9 нафар спортчи қизда (32,1%), ўртача қийматдан пастроғи 19 нафар (67,9%) қизда аниқланди. Ўн беш нафар спортчи қизда (53,5%) 15 м.га югуриш натижаси ўртача қийматдан юқорироқ ($X=2,50\pm 0,19$ с.), 46,5% да эса (13 нафар қиз) югуриш вақти камроқ. 30 м.га югуриш вақти кўрсаткичларида қуйидагилар аниқланди - ўртача вақт $X=4,42\pm 0,30$ сек. Энг яхши натижа А-ва

О. деган энг катта ёшдаги спортчи қизда - (26 ёш) - 4,01 с, энг ёмон натижа эса 17 ёшдаги қизда - 4,78 с. Қизиғи шундаки, 60 м.га югуриш вақти бўйича ҳам натижалар худди шундай: 29 ёшдаги қизда 60 м.га югуриш вақти 8,05 сек, 18 ёшдаги қизда эса юқориқ - 8,9 сек. Ушбу ҳолда спортчи қизнинг малакаси муҳим аҳамиятга эга, кўп йиллик тайёргарлик ўзининг ижобий натижаларини берган. Эътироф этиш муҳимки, ўхшаш натижалар бошқа машқларда ҳам, жумладан, сакровчанликни ифодаловчи машқларда ва 7x50 м.га такрор югуриш, 30 м.га тўп билан моқисмон югуриш, 3000 м.га югуриш тестларида ҳам кўрсатилган. Ўз навбатида, мусобақа фаолиятининг параметрларини таҳлил қилишда тамоман бошқача манзара кузатилади. Энг ёш, 17-18 ёшдаги спортчи қизларда энг юқори кўрсаткичлар ҳаракат фаоллиги ҳажмида (Х-ва С. - 2030 м.) ва умумий ТТХлар сони маълумотларида (Х-ва С. - 182 ТТХлар), ўртача ТТХларнинг умумий миқдори эса $X=90\pm 47,7$ ҳаракат фаоллиги - $X=1852\pm 645$ м, ни ташкил этади (1-жадвалга қаранг).

1 жадвал

Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг ёши, жисмоний ривожланиши, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги ҳамда мусобақа фаолияти параметрлари (n=28)

Т/р	Параметрлар номи	\bar{X}
1	Ёши	20,7
2	Гавда узунлиги, см	160
3	Гавда оғирлиги, кг	54,9
4	КМИҚ, мл/мин/кг	48,6
5	60 м.га югуриш, с	8,47
6	30 м.га югуриш, с	4,42
7	15 м.га югуриш, с	2,50
8	Турган жойдан сакраш, см	208
9	Беш ҳатлаб сакраш, м	10,85
10	3x7 м.га моқисмон югуриш, с	5,38
11	Узоққа зарба беришлар, м	68,9
12	30 м.га тўп билан югуриш, с	4,96
13	7x50 м.га югуриш, с	1,18
14	3000 м.га югуриш, дак/сек	14,02
15	Тўп ўйнатиш, марта	2396
16	Тўп узатишлар, марта	38
17	Тўпни олиб қўйиш, марта	8
18	Тўпни тўхтатиш, марта	33,3
19	Рақибни алдаб ўтиш, марта	5
20	Тўпга бош билан ўйнаш, марта	0,4
21	Дарвозага зарба йўллашлар, марта	4,5
22	Тўпни майдон ташқарисидан ўйинга киритиш, марта	3,4
23	Тўпни бурчакдан ўйинга киритиш, марта	0,5
24	Ҳаракат фаоллиги ҳажми, м	1852
25	ТТХларнинг умумий сони, марта	90

Рақибасини алдаб ўтиш муҳим аҳамиятга эга, чунки алдамчи ҳаракат усулларини эгаллай туриб, майдоннинг ҳар бир қисмида устунликка эга


бўлиш, демакки, охир-оқибат ижобий натижага олиб келувчи индивидуал техник-тактик ҳаракатлар самарадорлиги нуқтаи назаридан ташаббусга эга бўлиш мумкин. Мусобақа фаолияти жараёнида спортчи қизлар 30 м.гача масофада максимал тезликда ҳаракатланадилар, шунинг учун ҳаракатланиш тезлиги ҳам хужумкор ТТХларда, ҳам ҳимоявий ТТХларда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда бунинг учун катта масофаларга югуришда руёбга ошириладиган энергия таъминоти захирасига эга бўлиш лозим. Учинчи ўринда катта гуруҳдаги параметрлар: 60 м.га югуриш вақти, беш ҳатлаб сакраш, 3x7 м.га моқисимон югуриш, 30 м.га тўп билан югуриш, тўпни бурчакдан ўйинга киритиш ва ҳаракат фаоллиги ҳажми туради.

Мини-футбол бўйича спортчи қизларнинг мусобақа фаолияти давомида кўлланиладиган ТТХлар арсенали, аҳамияти ва самарадорлиги параметрлари. Муаллиф томонидан мини-футбол бўйича жамоалар ва айрим спортчи қизларнинг мусобақа фаолияти педагогик кузатув услуги – ўйин ҳаракатларини махсус варақага қайд қилиш ёрдамида тадқиқ қилинди. Ушбу кузатувлар ҳар бир спортчи қизнинг ва, умуман, бутун жамоанинг ТТХлари арсеналини ифодалайди. «Севинч» жамоасининг ТТХлари умумий сони бир ўйинда ўртача $X=90$ та ҳаракатни ташкил қилди, бунда вариация фоизи жуда юқори, чунки Ус-ва К. каби тажрибали ўйинчида у 136 ТТХни, С-ва М.да фақат 48 та ТТХни ташкил этди. Аҳамиятлилик даражасига кўра биринчи ўринда тўп оширишлар туради - ўртача $X=37,6$, кейин тўпни тўхтатишлар - $X=34,7$, тўпни олиб қўйиш – $X=10,2$, рақибасини алдаб ўтиш – $X=4,3$ туради. Тўп узатишлар сони бўйича ўртача $X=35$, ТТХларни ташкил этди. Тўп узатишлар спортчи қизларнинг ўзаро ҳаракатлари воситаси сифатида қаралади – бу гуруҳли, жамоавий тактик ҳаракатлар асосидир. Айни пайтда спортчи қизлардан бири бошқалардан кўра кўпроқ тўпни тўхтатишни бажаради – 64 марта, 43,3%. Самарадорлиги бўйича етакчи ўринларда тўпни тўхтатишлар (ўртача $X=90,8\%$) ва тўп узатишлар ($X=88,4\%$) туради. Спортчи қизлар мусобақа фаолияти жараёнида ҳар хил ҳаракат фаоллиги турларидан фойдаланиб ҳаракатланадилар. Энг катта умумий ҳаракатланишлар ҳажмига ($X=1852\pm 645$ м) нисбатан секин югуриш - $X=59,2$ юқори тезликда югуриш - $X=22,4$ ва юриш - $X=18,4$ ташкил этди.

Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг жисмоний ривожланиш, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик, ўйин фаолияти параметрларининг ўзаро боғлиқликлари таҳлили. Аниқланган ўзаро боғлиқликларни таҳлил қилишга ўтаётиб, шуни таъкидлаш жоизки, тадқиқотларда мини-футбол бўйича 28 нафар юқори малакали спортчи қизлар иштирок этишди. Тестлаш 25 та параметрлардан фойдаланган ҳолда ўтказилди: учта жисмоний ривожланиш маълумотлари, 12 та умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик параметрлари ва 10 та мусобақа фаолияти кўрсаткичлари. Аниқланишича, 25 та параметр бўйича умумий 390 та корреляция коэффицентидан юқори аҳамиятлилик даражаси 61 тани (16%) ташкил қилди, бу спортчи қизлар юқори даражада тайёргарликка эга

эканликларидан далолат беради. Бу боғлиқликларни қараб чиқамиз (1-расмга қаранг).

Қизнинг бўй узунлиги қанча баландроқ бўлса, гавда оғирлиги ҳам шунча юқори ($r=0,71$) – яқин боғлиқлик; спортчи қизнинг ёши ($r=0,77-0,83$) узунликка сакраш, узокқа зарба бериш ва тўп ўйнатиш билан яқиндан боғлиқ ($r=0,85$), 15, 30, 60 м и югуриш, 3x7 м.га мокусимон югуриш, 30 м.га тўп билан югуриш, 7x50 м.га такрор югуриш вақти билан салбий боғлиқликка эга. Ушбу ҳолда ёш кўрсаткичи мини-футбол бўйича ун йилдан кўпроқ вақт мобайнида шуғулланган юқори малакали қизларнинг энг муҳим параметрларидан бири ҳисобланади. Шундан хулоса қилиш мумкинки, ёш улғайган сари жисмоний ва техник тайёргарликни ифодаловчи кўрсаткичлар яхшиланиб боради. Яъни кўп йиллик тайёргарлик кўрсатиб ўтилган маълумотларнинг яхшиланишини таъминлайди. Аини пайтда 30 м, 60 м, 15 м.га югуриш вақти ($r=-0,83, -0,88,-0,73$), мокусимон югуриш, 30 м.га тўп билан югуриш ва 7x50 м.га такрор югуриш вақти билан салбий боғлиқлик аниқланди ($r=-0,82,-0,85,-0,76$). Ёш ўтиши билан спортчи қизларнинг тезлик тайёргарлиги кўрсаткичлари ёмонлашади, буни ўқув-машғулот жараёнини тузишда ва номзодларни жамоаларга саралаб олишда инobatга олиш зарур.



1-расм. Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг жисмоний ривожланиш, умумий и махус жисмоний тайёргарлик параметрларининг ўзаро боғлиқлиги

Ўз навбатида, 30 м ва 60 м.га югуриш тезлиги орасида ($r=0,96$), 60 м ва 15 м.га югуриш орасида ($r=0,78$); мокусимон югуриш ва 60 м.га югуриш вақти орасида ($r=0,90$); 30 м.га тўп билан югуриш ва 60 м.га югуриш орасида ($r=0,94$); 7x50 м.га такрор югуриш ва 60 м.га югуриш орасида ($r=0,72$) яқиндан боғлиқлик мавжуд. Қизиқарлиси шуки, 30 м.га югуриш ва 3000 м.га югуриш вақти орасида яқиндан боғлиқлик аниқланди ($r=0,72$). Тезлик-куч сифатларини аниқлаб берувчи тавсифлар орасида яқиндан боғлиқлик аниқланди: 30 м.га югуриш ва 30 м.га тўп билан югуриш вақти орасида ($r=0,91$); 7x50 м.га югуриш ва 30 м.га югуриш орасида ($r=0,83$); узоққа зарба бериш – турган жойдан сакраш ($r=0,87$); беш ҳатлаб сакраш – турган жойдан сакраш ($r=0,82$) ҳамда салбий боғлиқлик қуйидагилар орасида аниқланди: узоққа зарба бериш – 30 м.га югуриш вақти ($r=-0,86$); турган жойдан сакраш – 15 м.га югуриш ($r=-0,74$); 3x7 м.га мокусимон югуриш – турган жойдан сакраш ($r=-0,75$); 3x7 м.га мокусимон югуриш - беш ҳатлаб сакраш ($r=-0,89$), 30 м.га тўп билан югуриш – беш ҳатлаб сакраш ($r=-0,81$). 15 м, 30 м.га югуриш ва 30 м.га тўп билан югуриш кўп жиҳатдан спортчи қизнинг сакраш (турган жойдан сакраш, беш ҳатлаб сакраш) узунлигига боғлиқ. Тўп узатишлар сони ортиб бориши билан (ўзаро ҳаракатлар сони, дарвозага зарба йўллашлар сонининг ортиши, тўпни тўхтатишлар, ҳаракат фаоллиги ҳажми, бош билан ўйнаш, умумий ТТХлар сони назарда тутилмоқда) бир-бири билан яқин боғлиқликлар аниқланган мусобақа фаолияти кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликларни қараб чиқамиз. Айни пайтда айтиш жоизки, мусобақа фаолияти параметрлари ва умумий ҳамда махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари орасида, тўпни ўйнатиш тестидан ташқари, яқиндан боғлиқликлар аниқланмади.

Эътироф этиш лозимки, юқори малакали спортчиларнинг ҳар томонлама тайёргарлиги ва мусобақа фаолиятининг умумий корреляция коэффициентлари сонидан 390 таси ўртача аҳамиятлилик даражасига эга коэффициентлар ҳисобланади ва 18% ни ташкил қилади, буни инобатга олмаслик мумкин эмас. Мусобақа фаолияти тавсифлари даражасини ошириш учун спортчи қизлар тайёргарлигини бошқариш воситаларини қўллаган ҳолда махсус машқлардан фойдаланиш зарур. Бунинг учун аниқланган ишончли тестлардан фойдаланиш лозим: тўп узатишлар, тўпни тўхтатишлар, бош билан ўйнаш ва дарвозага зарба беришлар, ТТХларнинг умумий сони ҳамда ҳаракат фаоллиги ҳажми, тўпни майдон ташқарисидан ва бурчакдан ўйинга киритиш. Тест синовларини ўтказишда ҳар бир спортчи қизнинг бутун имкониятларини аниқлаш мақсадида энг юқори натижаларга эришиш учун мотивация ҳосил қилишга алоҳида аҳамият қаратилиши лозим.

Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизлар тайёргарлигининг омилли тузилмаси. Мини-футбол бўйича спортчи қизлар ҳар томонлама тайёргарлигининг омилли тузилмасига 9 та асосий омил кирди. Улардан биринчиси ҳаракат фаоллиги ҳажмидир, у кўп жиҳатдан жисмоний ишчанлик қобилиятига ва аэроб-анаэроб таъминотга боғлиқ. Иккинчи омил – бу тўпга

эгаллик қилиш кўникмаси бўлиб, у тўп ўйнатиш орқали аниқланади (2-расмга қаранг). Учинчи омил – ТТХларнинг умумий сони. Тўпни эгаллаб турган жамоа ташаббусга эга бўлади, демак, дарвозага кўп зарба йўллаши мумкин, бу эса ғалабали натижага эришиш имкониятини оширади. Тўртинчи омил – тўп узатишлар бўлиб, улар аҳамиятлилик даражасига кўра биринчи ўринда туради. Ўз навбатида, тўп узатишларга спортчи қизлар орасида ўзаро ҳаракатлар ҳамда ижобий натижа асоси сифатида қараш мумкин. Бешинчи омил – тўпни тўхтатиш. Мусобақа фаолияти жараёнида спортчи қизлар ўзаро ҳаракатлар жараёнида қарор қабул қилиш учун тўпни тез-тез тўхтатадилар, яъни тўпни узатиш керакми ёки дарвозага зарба бериш керакми? Улар қандай тактик ҳаракатдан фойдаланиш кераклиги тўғрисида мулоҳаза юритадилар. Олтинчи омил – турган жойдан сакраш. Эътироф этиш муҳимки, спортчи қизлар ўйин фаолияти давомида силжиб ҳаракатланишлар жараёнида 10 м.гача бўлган қисқа масофаларга максимал тезлик билан югуришдан фойдаланадилар. Мини-футбол ўйинининг ажралиб турувчи қирраси – бу портловчан кучланишларни намоён қилиш қобилиятининг юқори даражада ривожланишини тақозо этувчи махсус ҳаракат амаллари кенг комплексининг мавжудлигидир. Еттинчи омил – гавда оғирлиги. Табиийки, гавда оғирлиги алоҳида аҳамиятга эга омиллардан бири ҳисобланади, чунки оғирлик



2-расм. Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг индивидуал хар томонлама тайёргарлиги омиллари

ошганда ҳаракат фаоллиги камаяди. Яъни оптимал гавда оғирлигига эга бўлиш керак. Саккизинчи омил - кислородни максимал истеъмол қилиш (КМИҚ). Мини-футбол ўйини спортчи қизларнинг техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини пасайтирмаган ҳолда толиқишга қаршилиқ кўрсатиш қобилятининг юқори даражаси билан ифодаланади. Функционал имкониятларнинг кенгайиши – индивидуал тайёргарлигининг асосий йўналишларидан биридир. Тўққизинчи омил - ўйин фаолияти жараёнида спортчи қизлар тўпни эгаллаб олиш учун рақибалари билан тез-тез тўқнашувларда қатнашадилар. Спортчи қизларнинг функционал тайёргарлигини оптималлаштириш, биринчи навбатда, уларнинг тайёргарлигини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли (бунинг давомида айнан тайёргарликни кўтариш амалга оширилади), организмга таъсирларни дастурлаштиришда ва тизимни куришда спортчи қизларнинг жисмоний ишчанлик қобилятининг реал ва шаклланувчи даражасига у ёки бу миқёсда таъсир қилувчи омилларнинг бутун доирасини инобатга олиш шартдир.

Биринчи боб бўйича хулосаларда таъкидлаб ўтиладики, 16 дан 29 ёшгача бўлган юқори малакали спортчи қизларнинг ҳар томонлама тайёргарлигида фарқлар мавжуд. Каттароқ ёшдаги спортчи қизларда ҳар томонлама тайёргарлик кўрсаткичлари устунроқ, кичикроқ ёшдагиларда эса мусобақа фаолияти кўрсаткичлари яхшироқ. Ўйин фаолияти параметрлари орасида тўғридан-тўғри боғлиқлик ($r=0,98-0,72$) аниқланган. Ёш ва махсус жисмоний тайёргарлик малумотлари ўртасида тўғридан-тўғри ($r=0,88$) юқори даражадаги боғлиқлик аниқланган. Бир омилли таҳлил натижасида индивидуал тайёргарлик, ҳаракат фаоллиги ҳажми, тўп ўйнатиш, ТТХларнинг умумий сони, тўпни тўхтатиш, турган жойдан сакраш, гавда оғирлиги, КМИҚ, тўпни олиб кўйиш омиллари аниқланган. Олиб борилган тадқиқотлардан асосий хулоса келиб чиқадики, спортчи қизларнинг тайёргарлигини мақсадли бошқариш учун мусобақа фаолияти самарадорлигини оширишни таъминловчи бошқарув моделини тажрибада асослаб бериш ва амалиётга жорий этиш зарур.

Диссертациянинг **“Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг тайёргарлигини бошқариш жараёнини тажрибада асослаш”** деб номланган иккинчи бобида ташкил қилинган қиёсий педагогик тажрибада назорат ва тажриба гуруҳлари кўрсатган натижалари, ТТХлар арсенали, аҳамияти ва самарадорлиги, комплекс назорат, бошқариш тузилмаси, спортчи қизлар модел таснифи таҳлили берилган.

Қиёсий педагогик тажриба олдинга сурилган ишчи фаразни текшириш мақсадида ўтказилди. “Севинч” жамоаси тажриба гуруҳидаги юқори малакали спортчи қизлар тайёргарлигини 2015-2017 йиллардаги мусобақа циклида бошқаришнинг илмий асосланган тузилмасидан фойдаланилди, “Олимпия” жамоасининг назорат гуруҳида эса анъанавий тизим асосида ўтказилди.

Йиллик циклда юқори малакали спортчи қизлар хар томонлама таёргарлигини бошқаришнинг илмий асосланган тузилмаси. Индивидуал тайёргарликнинг аниқланган омиллари ва ишончли тестлар асосида бошқарув тузилмаси ишлаб чиқилган бўлиб, у жисмоний ривожланишни баҳолаш, индивидуал тайёргарлик омиллари, инструментал услуб, умумий жисмоний тайёргарлик параметрлари, махсус жисмоний тайёргарлик маълумотлари, мусобақа фаолияти параметрларидан ташкил топган. Ушбу тузилма тажриба гуруҳи “Севинч” жамоасида қўлланилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг тайёргарлигини бошқариш тузилмаси

Ишлаб чиқилган тузилма мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизлар тайёргарлигини бошқариш жарёнини ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор услубий усуллар кетма-кетлиги сифатида қараш имконини беради. Бу усулларга индивидуал техник-тактик тайёргарликни ўйин фаолияти натижасини белгилаб берувчи энг муҳим омилларни ажратиб олган ҳолда

аниқлаш ва баҳолаш; ушбу омилларга устувор таъсир кўрсатувчи машғулот воситаларини танлаб олиш ва қўллаш услубий усуллари киради. Бундай иш ушбу омиллар томонидан аниқлаб бериладиган сифатларнинг ривожланишида ўсиш кузатилгунга қадар ўтказилиши керак, бироқ етакчи олимларнинг ривожланишидаги ўсиш секинлашганда эса, мусобақа фаолиятидаги натижа билан камроқ боғлиқ бўлган бошқа сифатларга таъсир кўрсатувчи воситалардан фойдаланиш зарур.

Педагогик тажрибадан олдин ва кейин тажриба гуруҳининг (“Севинч” жамоасининг) ҳар томонлама тайёргарлиги маълумотларининг қиёсий таҳлили. Тажриба гуруҳида мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизлар тайёргарлигини турли хил мусобақалар жараёнида бошқариш тузилмаси фойдаланилди. Бошқарувнинг илмий асосланган воситаларининг қўлланилиши натижасида тажриба гуруҳида $p < 0,01-0,05$ да 13 та тестларда кўрсаткичлар яхшиланди. Шунинг эътирофи этиш муҳимки, энг катта ўзгаришлар мусобақа фаолияти маълумотларида кузатилди: рақибасини алдаб ўтиш $p < 0,05$; бош билан ўйнаш $p < 0,05$; дарвозага зарба йўллашлар $p < 0,001$; тўпни майдон ташқарисидан ўйинга киритиш $p < 0,05$; ТТХларнинг умумий сони $p < 0,01$ ва ҳаракат фаоллиги $p < 0,05$. ТТХлар кўрсаткичлари ўртача 10%га ошди. Югуриш тезлиги яхшиланди, 30 м.га югуриш масофасини босиб ўтиш вақти камайди - $p < 0,05$, 15 м - $p < 0,05$ ва 7x50 м.га такрорий югуришда - $p < 0,05$. Яхшиланиш ўртача 9%ни ташкил қилди. Жисмоний ишчанлик қобилиятини ифодаловчи КМИҚ кўрсаткичининг $p < 0,001$ да ва беш ҳатлаб сакрашнинг $p < 0,05$ да ишончли тарзда ўзгарганлигини эътирофи этиш лозим. Ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари шундан далолат берадики, биз томонимиздан ишлаб чиқилган спортчи қизлар тайёргарлигини бошқариш тузилмаси асосан мусобақа фаолияти параметрларини яхшилашга имкон беради, бу ҳаракат фаоллигини ошириш асоси ҳисобланган жисмоний ишчанлик қобилиятининг ошишига имкон яратди ва ижобий натижага эришишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга параметрларнинг ўсиши 25 та тестлардан 52% ни ташкил қилди.

Педагогик тажриба бошида ва охирида назорат гуруҳининг (“Олимпия” жамоасининг) ҳар томонлама тайёргарлиги кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили. Назорат гуруҳида олинган натижаларнинг таҳлили педагогик тажриба якунидаги параметрларда ишончли ўзгаришлар содир бўлганлигини аниқлаб берди: гавда узунлиги $p < 0,05$, 15 м.га югуриш вақти $p < 0,001$, турган жойдан сакраш $p < 0,001$, буни организм тизимларининг ўсиши билан тушунтириш мумкин, чунки ёш ўртача 17,2 ёшни ташкил этди. Ўйин фаолияти жараёнида тактик ҳаракатларда яхшиланишлар юзага келди: бош билан ўйнаш $p < 0,001$, тўпни майдон ташқарисидан ўйинга киритиш $p < 0,001$, тўпни бурчакдан ўйинга киритиш $p < 0,001$, ҳаракат фаоллиги $p < 0,05$. Яхшиланиш 25 та параметрдан 7 та кўрсаткичда содир бўлди, бу 28% ни ташкил этди.

Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг модел тавсифлари ва баҳолаш меъёрлари. Мини-футбол бўйича юқори малакали

спортчи қизлар тайёргарлигини бошқариш тузилмаси модел тавсифлар энг аҳамиятли омиллардан бири эканлиги аниқланди. Модел тавсифлар педагогик киёсий тажриба тугагандан сўнг тажриба гуруҳи (“Севинч” жамоаси) параметрлари асосида тузилган. Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг модел тавсифлари ва баҳолаш меъёрлари қуйидаги параметрлардан ташкил топган: спортдаги имкониятлар маълумотлари; умумий жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари; махсус жисмоний тайёргарлик маълумотлари; мусобақа фаолияти кўрсаткичлари. Ушбу модел ҳам тайёргарлик ва баҳолаш давомида, ҳам ҳар бир спортчи қизнинг алоҳида параметрлар бўйича ва қизларнинг ўқув-машғулот ҳамда мусобақа жараёнларига бўлган мотивациясини оширишга ёрдам берувчи унинг барча кўрсаткичлари бўйича рейтингини аниқлашда қўлланилиши мумкин (4-расмга қаранг).

Иккинчи бобда хулосалар келтирилади. “Севинч” тажриба жамоасида катта тарқоқлик мусобақа фаолияти параметрларида кузатилади: бош билан ўйнаш, тўпни майдон ташқарисидан ўйинга киритиш. Айна пайтда 3x7 м.га югуриш, тўпни бурчакдан ўйинга киритиш энг катта аҳамиятга эга. Келтирилган маълумотлар махсус машқларнинг гуруҳли, жамоавий тактик ҳаракатларни такомиллаштириш жиҳатдан йўналтирилганлиги тўғрисида далолат беради. Гавда оғирлиги ва КМИҚ орасида салбий боғлиқлик аниқланди ($r=-0,70$). Гавда оғирлиги ортиб борган сари жисмоний ишчанлик қобилияти камаяди, бу мусобақа фаолияти самарадорлигини пасайтиради.

Шу сабабли индивидуал тайёргарликни бошқариш учун аниқланган ишончли тестлардан фойдаланиш зарур: жисмоний ривожланиш бўйича (гавда оғирлиги ва узунлиги); КМИҚ ва УЖТ кўрсаткичлари (30 м, 60 м, 15 м.га югуриш, турган жойдан сакраш, 3000 м.га югуриш, беш ҳатлаб сакраш) ва махсус жисмоний ривожланиш бўйича (30 дақиқа давомида тўп ўйнатиш, 7x50 м.га югуриш, иккала оёқда узоққа зарба бериш, 30 м.га тўп билан югуриш), шунингдек, мусобақа фаолияти кўрсаткичлари бўйича. “Олимпия” жамоаси спортчи қизларида энг катта тарқоқлик мусобақа фаолияти маълумотларида аниқланди: тўпни бурчакдан ва майдон ташқарисидан ўйинга киритиш. Энг аҳамиятли маълумотлар – бу гавда оғирлиги, 30 м.га тўп билан югуриш. Кучли боғлиқлик асосан мусобақа фаолияти параметрларида аниқланди ($r=0,83-0,48$). Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизлар тавсифлари модели блок-схемаси спортдаги имкониятлар кўрсаткичлари, УЖТ ва МЖТ параметрлари, мусобақа фаолияти кўрсаткичларидан ташкил топган. Ҳар бир кўрсаткич 1 дан 5 баллгача қийматга эга. Бундай методология мураббийга мониторинг олиб бориш имконини беради, бу ўйин фаолияти самарадорлигини таъминловчи тайёргарлик ва мусобақа фаолиятини бошқариш бўйича объектив қарорлар қабул қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотлар натижалари тажриба гуруҳидаги (“Севинч” жамоасидаги) ижобий ўзгаришларни кўрсатди. 25 та тестдан 13 тасида параметрлар (52%) ўсди.

Умумий жисмоний тайёргарлик параметрлари						
Т/р	Параметрлар	Баллар				
		5	4	3	2	1
1.	60 м.га югуриш, сек	7,3	7,4	7,5	7,6	7,7
2.	30 м.га югуриш, сек	4,0	4,1	4,3	4,4	4,5
3.	15 м.га югуриш, сек	2,0	2,1	2,2	2,3	2,4
4.	Беш хатлаб сакраш, м	14	13	12	11	10
5.	Турган жойдан сакраш, см	241	238	235	232	229
6.	3 000 м.га югуриш дак, сек	12'44''	12'66''	12'88''	12'22''	12'

Махсус жисмоний тайёргарлик параметрлари						
Т/р	Параметрлар	Баллар				
		5	4	3	2	1
1.	3×7 м.га моксишон югуриш, сек	4,6	4,7	4,8	4,9	5
2.	Тўпга зарба билан узок масофага йўллаш, м	83	81	79	77	75
3.	30 м.га тўп билан югуриш, сек	4,3	4,4	4,5	4,6	4,7
4.	7×50 м.га югуриш, дак, сек	1'05''	1'06''	1'07''	1'08''	1'09''
5.	Тўп ўйнатишлар, марта	3257	3197	3137	3071	3017

Мусобақа фаолияти параметрлари						
Т/р	Параметрлар	Баллар				
		5	4	3	2	1
1.	Тўп узатишлар сони, марта	58	48	38	28	18
2.	Тўпни олиб қуйиш, марта	13	11	9	7	5
3.	Тўпни тўхтатиш, марта	56	46	36	26	16
4.	Рақибасини алдаб утиш, марта	9	8	7	6	5
5.	Бош билан ўйнаш	6	5	4	3	2
6.	Дарвозага зарба йўллаш, марта	7	6	5	4	3
7.	Тўпни майдон ташқарисидан ўйинга киритиш, марта	8	7	6	5	4
8.	Тўпни бурчакдан ўйинга киритиш, марта	6	5	4	3	2
9.	ТТХларнинг умумий сони, марта	172	122	97	72	47
10.	Ҳаракат фаоллиги ҳажми, м	2841	2450	2059	1668	1277

Спортдаги имкониятлар модели						
Т/р	Курсаткичлар	Баллар				
		5	4	3	2	1
1.	Гавда оғирлиги, кг	53	56	59	62	65
2.	Спорт стажи (ёши)	27,5	26	24,5	23	21,5
3.	КМИҚ 1 кг. вазнга нисбатан, мл/дак/кг	58	56,5	54	51,5	50

**Мини-футбол
бўйича спортчи
қизлар
тавсифлари
модели блок-
схемаси**


4-расм. Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг модел тавсифлари ва баҳолаш меъёрлари

Бу қуйидаги тестлар: ТТХларнинг умумий сони, рақибасини алдаб ўтиш, бош билан ўйнаш, дарвозага зарба йўллаш, ҳаракат фаоллиги ҳажми, 15 м, 30 м, 60 м, 3000 м, 7x50 м.га югуришда масофани босиб ўтиш вақтининг камайиши ($p < 0,05-0,01$ да). Яхшиланиш ўртача 9% ни ташкил қилди.

Диссертациянинг “**Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизлар тайёргарлигини бошқариш**” деб номланган учинчи бобидаяорак ритми монитори – интерфейс – компьютер телеметрик тизимидан фойдаланган ҳолда спортчи қизларнинг тайёргарлигини бошқариш маълумотлари, спортчи қизларнинг спорт формаси ҳолати, юрак-қон томир, вегетатив тизимлар ва энергия таъминоти тизимининг фаолияти тўғрисида мураббийлар ва спортчи қизларга ахборот берувчи муҳим функционал кўрсаткичлар келтирилган.

Эътироф этиш муҳимки, ўйин фаолияти мониторинги воситаларининг ушбу тизими ЮҚТ ни қайд этади. Мураббийнинг топшириғи бўйича у кўрсаткичларни ҳар дақиқа қайд қилиб бориши мумкин. Кейин интерфейسدан фойдаланиб, бу маълумотлар ўйин фаолияти давомидаги ЮҚТнинг фоизли нисбати ва вақтини акс эттирувчи графикли ёзувлар, диаграммалар кўринишида 2016 йилдаги олий лига жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон Республикаси чемпионати ва ҳалқаро турнирлардаги ўйинларни таҳлил қилишда мураббий томонидан амалга оширилган. Спортчи қизларнинг ўйин фаолиятини қайд этиш педагогик кузатувлар билан бир қаторда спортчи қизларнинг ҳаракат фаоллиги ва ТТХларни бажаришдаги хатти-ҳаракатларини фаоллаштириш имконини берди.

Спортчи А.Эр-ванинг ўйин фаолияти давомидаги ЮҚТ динамикаси 6-расмда келтирилган. Бу спортчи қизнинг ҳаракатларидаги ҳам фаоллик, ҳам сусткашликни эътироф этиш муҳим. Ўйин томир уриши дақиқада ўртача 144



5-расм. Спортчи А.Эр-ванинг ўйин фаолияти шиддат зоналарининг фоизли нисбати


Вақти

00.00	88	105	129	137	151	153	151	162	161	149	152	163
00.12	143	130	116	115	112	155	145	132	172	155	133	131
00.24	117	166	151	144	145	144	141	144	144	137	132	124
00.36	153	136	149	148	145	143	130	112	107	116	111	105
00.48	104	109	137	132	123	132	108	117	125	150	166	177
01.00	174	174	170	162	153	177	195	145	168	187	137	147
01.12	182	152	143	173	140	140	170	172	180	182	165	145
01.24	151	144	165	141	159	150	171	155	129	-	-	-


6-расм. Спортчи А.Эр-ванинг ўйин фаолияти давомидаги ЮҚТнинг вақт булаклари бўйича параметрлари

зарба бўлган шароитда ўтган. Томир уриши 140 зарб/дақ бўлганда ўйин 21 дақиқа давомида ўтказилган, бу 22,8% вақтни ташкил қилган, 150 зарб/дақ бўлганда эса 15 дақиқа (16,3) ўтказилган. А.Эр-ванинг ўйин фаолияти аэроб-анаэроб зонада –73,9%, анаэроб режимда 26,1% ўтган. Таъкидлаш жоизки, бундай юқори ҳаракат фаоллиги ўқув-машғулот жараёнининг оқилона воситалари ёрдамида ҳосил қилинган етарлича яхши энергия таъминотига асосланади (5,6,7,8-расмларга қаранг).

ЮҚТ зарб/дақ.



7-расм. Спортчи А.Эр-ванинг мусобақа фаолияти жараёнидаги ЮҚТ динамикаси



8-расм. А.Эр-ванинг ўйин фаолияти давомидаги ЮҚТнинг фоизли ҳажми ва вақти

Муҳим бир ҳолатни эътироф этиш жоизки, ўйин фаолиятида юрак ритми мониторидан (ЮРМ) объективлик, аниқликка эга ва ахборот берувчи инструментал услуб сифатида фойдаланиш спортчи қизлар имкониятларини уларнинг фаол намоён бўлиши учун сафарбар этади.

Учинчи боб бўйича хулосалар. Ахборот-коммуникация технологиялари ва мультимедиа воситалари мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизлар ҳар томонлама тайёргарлиги жараёнини бошқаришда етарлича қўлланилмайди, чунки мураббийларда ҳам, спортчи қизларда ҳам ахборотли компетенция мавжуд эмас. Ахборот технологиялари, айнан спортчи қизнинг мусобақа ва машғулот фаолиятини ҳар дақиқада ёзиб борувчи юрак ритми монитори - интерфейс - компьютер - принтер телеметрик тизимининг қўлланилиши қуйидагиларни аниқлашга имкон беради: ўйин ўртача қандай томир уриши шароитида ўтмоқда; ЮҚТнинг энг катта ва энг кичик кўрсаткичи, умуман эса сони бўйича умумий кўрсаткичи. Айти пайтда дастурий таъминотга мувофиқ ТТХлар ва силжиб ҳаракатланишлар қандай шиддат зонасида (аэроб, аэроб-анаэроб) бажарилаётганлиги ва ўйин фаолияти давомида уларни бажаришга қанча вақт сарфланаётганлиги аниқланади. Компьютер, проектор ва интерфаол доскадан фойдаланган ҳолда ўйинларнинг видеоёзувларини спортчи қизларнинг ўзлари иштирокида таҳлил қилиш ўйиндаги ТТХларни баҳолаш сифатини анча оширади, бу охир-оқибат мусобақа фаолияти самарадорлигини оширади. Ахборот-коммуникация технологиялари, мультимедиа воситаларидан фойдаланиш спортчи қизнинг ўз-ўзини назорат қилиш мазмунини ҳолисона тузиб чиқишга имкон беради. Ўйин фаолиятининг айрим лаҳзалари ёзиб олинган слайдлар, ҳар томонлама тайёргарлик (жисмоний ривожланиш, умумий ва

махсус жисмоний тайёргарлик, жисмоний ишчанлик қобилияти) маълумотлари билан ишлаш ўз-ўзини назорат қилиш асосида ҳар томонлама тайёргарликни бошқариш жараёни самарадорлигини таъминлайди.

Диссертациянинг **“Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг - тайёргарлиги жараёнини бошқариш”** деб номланган тўртинчи бобидақуйидаги муҳим масалалар қараб чиқилади ва таҳлил қилинади: спортчи қизлар тайёргарлигини бошқариш спорт маҳоратини ошириш омили сифатида, мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизлар тайёргарлигини бошқаришни мақсадли режалаштириш тузилмаси, мусобақа фаолияти шароитларида спортчи қизлар тайёргарлигини бошқариш, мусобақалар тизими спортчи қизлар тайёргарлигини бошқариш омили сифатида, мусобақа фаолияти босқичларида спортчи қизлар тайёргарлиги сифатини ошириш шарт-шароитлари юзасидан таҳлилар кўрилади.


Спортчи қизлар тайёргарлигини бошқариш учун қўлланиладиган кўпгина турдаги тестларнинг умумлашган таҳлили уларни тўртта асосий гуруҳлар бўйича таснифлашга имкон беради: физиоетрик кўрсаткичлар (ёш, гавда узунлиги ва оғирлиги); тезлик-куч тайёргарлиги параметрлари (турган жойдан сакраш, беш ҳатлаб сакраш, 15 м, 30 м, 60 м.га югуриш, узоққа зарб билан тўпни йўллаш, 3x7 м.га югуриш 7x50 м.га югуриш, 30 м.га, тўп билан югуриш); универсал тест (30 дақиқа давомида тўп ўйнатиш); мусобақа фаолиятини баҳолаш (ТТХларнинг умумий сони, ҳаракат фаоллиги ҳажми, тўп узатишлар, тўпни тўхтатиш, тўпни майдон ташқарисидан ва бурчакдан ўйинга киритиш, дарвозага зарба йўллашлар).

Биринчи гуруҳ тестларда ёш кўрсаткичи (ушбу ҳолда уни мини-футбол билан шуғулланиш давомийлигини ифодаловчи кўрсаткич сифатида ҳам қараш лозим) турган жойдан сакраш ($r=0,83$), узоққа зарб билан тўпни йўллаш ($r=0,77$), тўп ўйнатиш ($r=0,85$) билан яқиндан боғлиқликка эга ва қуйидагилар билан салбий боғлиқликка эга: 15 м.га югуриш ($r=-0,72$), 30 м.га югуриш ($r=-0,88$), 7x50 м.га югуриш ($r=-0,76$), мокусимон югуриш ($r=-0,82$), 3000 м.га югуриш ($r=-0,88$). (3,4 расмларга қаранг). Спорт-техник маҳорати даражаси ортиб борган сари тезлик-куч сифатлари маълумотлари ўсиб боради, айти пайтда турли хил масофаларга югуриш вақти камади ҳамда зарба кучи ортади. Учинчи гуруҳ тести - бу 30 дақиқа давомида тўп ўйнатиш. 30 дақиқа давомида тўп ўйнатиш ва бошқа назорат меъёрлари (иккинчи гуруҳ тестлари) билан ўзаро юқори салбий ва тўғридан-тўғри боғлиқликларига диққат қаратамиз. Юқори даражадаги боғлиқлик тўп ўйнатиш ва ёш орасида аниқланди ($r=0,85$). Спортчи қизнинг ёши қанча катта бўлса, у шунча кўп марта тўпга зарбаларни амалга оширади. Табики, мини-футбол билан узоқ вақт шуғулланган спортчи қиз юқорироқ спорт маҳоратига эга. Тезлик-куч сифатларини ифодаловчи тестлар тўп ўйнатиш билан ўзаро боғлиқликка эга (турган жойдан сакраш $r=-0,85$), беш ҳатлаб сакраш ($r=-0,97$), узоққа зарб билан тўпни йўллаш ($r=-0,85$). Айти пайтда юқори даражадаги салбий боғлиқлик 30 м.га югуриш вақти ($r=-0,94$), 30 м.га

тўп билан югуриш ($r=-0,92$), 60 м.га югуриш ($r=-0,98$), 15 м.га югуриш вақти ($r=-0,71$) ва 3x7 м.га такрорий югуриш ($r=-0,91$) билан аниқланди. Маълумки, тўп ўйнатиш, тўпга эгалик қилиш кўникмаси, бел даражасида зарбани амалга ошира олиш координацион қобилиятларни ифодалайди. Спортчи қизларнинг тезлик-куч тайёргарлигини белгилаб берувчи сакраш машқлари (турган жойдан сакраш, беш ҳатлаб сакраш, узоққа зарб билан тўпни йўллаш), тўп ўйнатиш билан яқиндан боғлиқ. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, тўп ўйнатиш ҳам координацион қобилиятларни, ҳам тезлик-куч тайёргарлигини баҳоловчи универсал тест ҳисобланади. Спортчи қизнинг тайёргарлигини самарали бошқариш учун ушбу тестдан фойдаланиш зарур. Ушбу тест қўлланилган ўқув-машғулотнинг деярли бир қисмини юклама воситаси сифатида қараш мумкин.

Шуни эътироф этиш муҳимки, ушбу тест ва асосан тезлик сифатларини баҳоловчи назорат меъёрлари ўртасида (15 м, 30 м, 60 м.га югуриш, 3x7 м.га югуриш ва ҳатто 30 м.га тўп билан югуриш вақти) юқори даражадаги тесқари боғлиқлик аниқланди ($r=-0,71-0,94$). Аниқланган боғлиқлик ҳам тезлик-куч сифатлари баҳосини, ҳам координацион қобилиятларни акс эттиради. Тўпга оёқ таги билан зарба бериш сони ортиб бориши билан юқорида айтиб ўтилган масофа бўлақларига югуриш вақти камайиб боради (9-расм).

Айни пайтда ушбу тест ($r=0,81-0,97$) ёш билан ($r=0,85$), турган жойдан сакраш ($r=0,84$), беш ҳатлаб сакраш ($r=0,97$), узоққа зарб билан тўпни йўллаш ($r=0,81$) билан яқиндан корреляцияга эга. Ёш улғайиб борган сари спорт маҳорати даражаси ошади, тўп ўйнатиш унинг тавсифларидан бири ҳисобланади. Жойдан сакраш, беш ҳатлаб сакраш ва узоққа зарб билан тўпни йўллаш кучи ортиб борган сари тўпга зарба бериш сони ҳам кўпаяди, яъни координацион қобилиятлар, тўпга эгалик қилиш «ҳисси» яхшиланади.



9-расм. Тўп ўйнатиш тестининг турли параметрлар билан корреляция коэффициентлари

Иккинчи гуруҳ тестлари аслида тезлик сифатлари имкониятларини баҳоловчи тестлардан иборат: 15 м, 30 м, 60 м, 30 м.га тўп билан югуриш вақти. Сакровчанликни баҳоловчи тестлар билан тескари алоқани ҳам алоҳида эътироф этиш мумкин. Туртинчи гуруҳ тестлари мусобақа фаолияти параметрларидан иборат: тўп узатишлар, ҳаракат фаоллиги ҳажми ($r=0,98$), ТТХларнинг умумий сони ($r=0,96$), тўпни тўхтатиш ($r=0,93$), тўпни бурчакдан ўйинга киритиш ($r=0,72$) ва тўпни майдон ташқарисидан ўйинга киритиш ($r=0,72$), дарвозага зарба йўллаш ($r=0,77$) билан яқиндан ўзаро боғлиқ. Шундай қилиб, гуруҳли, жамоавий тактик ҳаракатларни такомиллаштириш учун махсус машқлардан фойдаланиш зарур, бунда дарвозани ишғол этиш, стандарт вазиятларни амалга ошириш каби тактик ҳаракатлар албатта бўлиши керак.

Туртинчи боб бўйича хулосалардақайд этиладики, юқори малакали спортчи қизлар тайёргарлигини бошқариш жараёнини мақсадли режалаштириш тузилмаси қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши керак: дастлабки ҳолатнинг тавсифи; тайёргарликнинг модел тавсифлари; комплекс назорат; мусобақалар тизими; илмий-тадқиқот изланишлари.

Индивидуал тайёргарликни бошқариш самарадорлиги босқичли назорат натижалари (ҳафта, ой тугаши билан); жорий ҳолат (бир ёки бир нечта босқичлар тугаши билан); тезкор ҳолатни (ҳар хил йўналишдаги машқларнинг бир марта бажарилиши таъсирида юзага келадиган ўзгаришлар бўйича) баҳолаш асосида анча ортади.

ХУЛОСАЛАР

Ҳар томонлама олиб борилган тадқиқотлар, тажриба параметрлари натижаларини назарий умумлаштириш қуйидаги хулосаларни шакллантиришга имкон беради:

1. Илғор тажриба ва илмий-услубий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда юқори малакали қизларнинг мини-футбол бўйича кўп йиллик тайёргарлик жараёнида малакали спортчи қизларнинг тайёргарлигини бошқаришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги анъанавий тасаввурлар ва спортчи қизлар ҳар томонлама тайёргарлигининг илмий асосланган градацияли баҳолаш шкаласи етарлича ишлаб чиқилмаган. Санаб ўтилган камчиликлар тадқиқот муаммосини келтириб чиқарадики, ва мини-футбол бўйича кўп йиллик тайёргарлик жараёнида малакали спортчи қизларнинг индивидуал тайёргарлигини бошқаришга бўлган инновацион ёндашувни ишлаб чиқиш, тажрибада асослаш ва амалга ошириш энг муҳим заруратини эътиборга олинмаган.

2. Юқори малакали спортчи қизлар кўп йиллик тайёргарлигининг энг муҳим вазифаси машғулот ва ўйин фаолияти давомида спортчи қизлар ҳолатини бошқаришни объективлаштириш эканлиги тан олинган. Спортчи қизларни тайёрлашнинг замонавий тизими машғулот юкламалари ҳажми ва шиддатининг доимо ўсиб боришига асосланади. Мослашиш реакцияларини

назорат қилиб бориш ва унинг имкониятларини баҳолаш организмнинг юкламага мослашиш жараёнлари динамикасини тезкор равишда кузатиб боришга ва ўта зўриқиш ҳолати ҳамда мослашишнинг бузилишини олдини олган ҳолда машғулот ва мусобақа жараёнларини бошқаришга имкон беради.

3. Спортчи қизлар якка тартибдаги тайёргарлигини бошқариш жараёни бир қатор изчил ҳаракатларни назарда тутиши аниқланди: кучли ва бўш томонларни аниқлаб берувчи ҳар томонлама тайёргарлик тўғрисида дастлабки комплекс ахборот олиш; олинган параметрларнинг меъёрий кўрсаткичлар билан мониторинги: оқилона воситалар, шакл ва услубларни танлаш асосида ўқув-машғулот жараёнини қуриш; натижаларни таҳлил қилиш, яқун яшаш ва кейинги мақсадларни аниқлашга қаратилган.

4. Бир омилли дисперсияли таҳлил натижасида шу аниқландики, мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизларнинг индивидуал тайёргарлигини ифодаловчи етакчи омиллар қуйидагилардир: ҳаракат фаоллиги ҳажми; 30 дақиқа давомида тўп ўйнатиш сони; ТТҲларнинг умумий сони; тўп узатишлар; тўпни тўхтатишлар; турган жойдан сакраш; гавда оғирлиги, КМИҚ, тўпни олиб қўйиш.

5. Спортчи қизларнинг жисмоний ривожланиш параметрлари, мини-футбол билан шуғулланиш стажи (ёши), умумий, махсус жисмоний тайёргарлиги ва мусобақа фаолияти параметрларининг корреляция таҳлили ўйин фаолияти кўрсаткичлари, спорт стажи ва умумий ҳамда махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари орасида юқори даражадаги боғлиқлик ($r = 0,72-0,96$), шунингдек, 30 м, 60 м.га югуриш, 30 м.га тўп билан югуриш вақти ҳамда 30 дақиқа давомида 3000 та зарба бериб тўп ўйнатиш, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик, беш ҳатлаб сакраш; иккала оёқда зарба бериб, тўпни узоққа зарб билан йўллаш, 7х50 м.га югуриш, 3х7 м.га моқисимон югуриш орасида юқори даражадаги тесқари боғлиқлик ($r = -0,81-0,96$) борлигини аниқлашга имкон берди. Ушбу маълумотлар спортчи қизларнинг тайёргарлиги мониторинги бўйича деярли ишончли ахборотли тестлар ҳисобланиши аниқланган.

6. Қиёсий педагогик тажриба ўтказиш даврида назорат гуруҳи («Олимпия» жамоаси) қизларида параметрлар ўсишининг гуруҳларичра таққосланиши 25 та кўрсаткичлардан 7 тасида ($p < 0,05$ да) ишончли яхшиланиш бўлганлигини кўрсатди, тажриба гуруҳида эса («Севинч» жамоаси) ($p < 0,01-0,05$ да) 13 та тестларда яхшиланиш кузатилди. Ишончли ўзгаришлар мусобақа фаолиятининг қуйидаги параметрларида кузатилди: ТТҲларнинг умумий сониди ($p < 0,05$); рақибасини алдаб ўтишда ($p < 0,05$); бош билан ўйнашда ($p < 0,05$); дарвозага зарба йўллашда ($p < 0,001$); ҳаракат фаоллиги ҳажмида ($p < 0,05$); 15 м.га ($p < 0,05$), 30 м.га ($p < 0,05$), 7х50 м.га такрорий югуриш вақти камайди ($p < 0,05$). Параметрларнинг яхшиланиши ўртача 9% ни ташкил қилди.

7. Юқори малакали спортчи қизларнинг индивидуал тайёргарлигини бошқариш самарадорлиги ишончли экспресс тестлар назорат таҳлилига

асосланиб, аниқланган ишончли тестлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

8. Тайёргарлик жараёнига тузатишлар киритиш мақсадида спортдаги имкониятлар, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик, мусобақа фаолияти маълумотларига асосланган, спортчи қизлар тайёргарлигини объектив тарзда бошқаришни таъминлайдиган модел тавсифларидан фойдаланиш, спортчи қизлар тайёргарлигини бошқариш самарадорлигини таъминловчи воситаларини қўллаш муҳимлиги аниқланди.

АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

1. Мини-футбол бўйича юқори малакали спортчи қизлар ўқув машғулот ва мусобақа жараёнлари самарадорлигини ошириш мақсадида тажрибада асосланган ва амалиётга жорий этилган, юқори натижадорликка эга, жисмоний иш қобилиятини аниқлашнинг инструментал услубиятлари ва юрак ритми монитори (ЮҚТни мусобақа фаолияти жараёнида қайд этиш), тана ёғ массасини аниқлаб берувчи таҳлилий тарозилардан фойдаланган ҳолда умумий ва махсус жисмоний тайёргарликни баҳолаб берувчи тайёргарлик жараёнини бошқариш моделидан фойдаланиш тавсия қилинади.

2. Умумий ва махсус жисмоний тайёргарликни баҳолаш учун ишончли ва ахборотли тестлардан фойдаланиш зарур: 3x7 м.га моксимон югуриш, 7x50 м.га югуриш, тўпни узокқа зарб билан йўллаш, 30 дақиқа давомида тўп ўйнатиш, 15 м, 30 м, 60 м, 3000 м.га югуриш, беш ҳатлаб сакраш, турган жойдан сакраш. Жисмоний ривожланиш маълумотлари – гавда оғирлиги, гавда узунлиги.

3. Бошқарув воситаларидан фойдаланаётиб, қуйидаги тавсияларга амал қилиш лозим: спортчи қизларнинг индивидуал ҳар томонлама тайёргарлигини ифодаловчи етакчи омиллар қуйидагилар: ҳаракат фаоллиги ҳажми, 30 дақиқа давомида тўп ўйнатиш, ТТХларнинг умумий сони, тўп узатишлар, тўпни тўхтатишлар, тўпни олиб қўйишлар сони, турган жойдан сакраш, гавда оғирлиги, кислородни максимал истеъмол қилиш.

4. Юқори малакали спортчи қизлар индивидуал тайёргарлигини бошқаришни спортчи қизлар тайёргарлигининг айрим томонларини аниқлаш заруратига мувофиқ ҳамда ўйинларни таҳлил қилишда мураббийнинг хоҳишига ва танловига кўра аниқланган ишончли тестлардан фойдаланган ҳолда тезкор, жорий, босқичли назорат асосида амалга ошириш керак.

5. Спортчи қизлар тайёргарлигини самарали бошқариш ва мониторингини амалга ошириш учун модел тавсифларнинг баҳолаш меъёрларини қуйидаги параметрлар бўйича қўллаш зарур: спортдаги имкониятлар, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик, мусобақа фаолияти.

6. Бошқарув моделидан фойдаланиш мураббийнинг касбий билим салоҳиятини ҳамда спортчи қизларнинг ўқув-машғулот, мусобақа жараёнларига, мураббийлар штаби ҳамда жамоанинг ҳар бир аъзосининг ўз-

Ўзини назорат қилиш ва мустақил такомиллашишга бўлган мотивациясини анча ошириш имконини беради.

7. Амалиёт давомида интерфаол тайёргарлик жараёнини бошқариш сифатини ошириш учун жисмоний ривожланиш, жисмоний ишчанлик қобилияти, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик параметрларини инобатга олувчи модел тавсифлардан фойдаланиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.01.2018. Ped.28.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ФИЗИЧЕСКОЙ
КУЛЬТУРЫ И СПОРТА**

ЭРДОНОВ ОРИФ ЛАТИПОВИЧ

**УПРАВЛЕНИЕ ПОДГОТОВЛЕННОСТЬЮ СПОРТСМЕНОВ
ВЫСОКОЙ КВАЛИФИКАЦИИ ПО МИНИ-ФУТБОЛУ**

**13.00.04. - Теория и методика физического воспитания и спортивной
тренировки**

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc) ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

Чирчик - 2019

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.DSc/Ped307.

Докторская диссертация выполнена в Узбекском государственном университете физической культуры и спорта.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте научного совета по адресу (www.uzdjtsu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный консультант:	Кошбахтиев Ильдар Ахмедович доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Абдиев Абдулла Носирович доктор педагогических наук, профессор Шарипова Диляра Джуманиязовна доктор педагогических наук, профессор Саламов Рахматилла Саламович доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «__»_____2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.03.2018.Ped.28.01 при Узбекском государственном университете физической культуры и спорта по адресу: 111709, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Спортсменов, дом 19. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс.: (0-370)717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e.mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Административное здание А1-й этаж, 114-аудитория.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета физической культуры и спорта (зарегистрирована за _____) по адресу: 111709, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Спортсменов, дом 19. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс.: (0-370)717-17-76.

Автореферат диссертации разослан «__»_____2019 г.
(реестр протокола рассылки №__ от «__»_____2019 г.).

Р.Д.Халмухамедов

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.п.н., профессор

М.Х.Миржамолов

Учёный секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, д.ф.н.п.н.

А.Н.Абдиев

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Настоящее время развитие спорта высших достижений в мире сопровождается все более активным вовлечением в него представительниц женского пола. Следует отметить, что научные подходы и методические разработки подготовки спортсменок, включая мини-футбол, как правило, базируются на опыте, накопленном в подготовке мужчин по «большому» и «малому» футболу. Такое положение в подготовке спортсменок связано: - во-первых, с отсутствием научных исследований в теории и практике подготовки квалифицированных спортсменок, специализирующихся в мини-футболе; - во-вторых, правомерностью такого подхода, основанного на информации, полученной в результате многопрофильных исследованиями в мире, выполненных по широкому спектру анатомо-морфологических и функциональных показателей. Одним из основных факторов стабильности высоких спортивных результатов в зарубежных странах, показанных квалифицированными спортсменками в соревнованиях по мини-футболу, является целенаправленное управление индивидуальной подготовленностью в процессе многолетней подготовки.

В ведущих зарубежных странах, в том числе, Бразилии, Португалии, России, Испании, Германии одним из основных факторов стабильности высоких спортивных результатов, показанных квалифицированными спортсменками в соревнованиях по мини-футболу, является целенаправленное управление индивидуальной подготовленностью в процессе многолетней подготовки. Концептуальные основы теории и методики футбола и мини-футбола и в отдельных игровых видах в прошлом проведены исследования посвящённые вопросам подготовки квалифицированных спортсменок в частности: по проблеме управления развития всесторонней подготовленности, распределению и планированию тренировочных нагрузок с учётом анатомо-физиологических и психологических особенностей были проведены научные изыскания. Также разработаны механизмы по совершенствованию технико-тактической и повышения эффективности двигательных качеств при подготовке высококвалифицированных спортсменок к соревнованиям.

В нашей республике постоянно возрастающее число занимающихся мини-футболом и резкое расширение функций этой игры требуют кардинальной модернизации системы управления мини-футболом и повышения эффективности подготовки спортсменов высокой квалификации на основе современных спортивно-педагогических и мультимедийных технологий. Также Президент в своём Указе говорил что «Отсутствие инновационных и методических разработок стандартов подготовки спортсменов и их медицинского сопровождения, отвечающих современным требованиям, не позволяет обеспечить налаживания качественного учебно-

тренировочного процесса»¹. В то же время нашей республике подготовка квалифицированных спортсменов, специализирующихся в мини-футболе, требует научно обоснованного подхода к построению учебно-тренировочного процесса с учетом индивидуальных особенностей игроков команды, оценки их исходного и текущего состояния подготовленности, разработки объективных оценок изменения этого состояния, а также учета уровня их технико-тактического мастерства и особенностей соревновательной деятельности. По всем этим компонентам управления подготовкой имеются существенные различия между женским и мужским мини-футболом. Вышеизложенные положения, а также отсутствием научных данных об управлении подготовленности квалифицированных спортсменов, специализирующихся в мини-футболе, определяют целесообразность изучения способов организации как необходимого условия совершенствования системы управления подготовленностью квалифицированных спортсменов. Перечисленные противоречия порождают проблему исследования, которая заключается в необходимости разработки, экспериментального обоснования и реализации инновационной подхода к управлению индивидуальной подготовленности квалифицированных спортсменов в процессе многолетней подготовки мини-футболистов.

Исследовательская работа ориентирована на обеспечение реализации задач, указанных в законе Республики Узбекистан УРК-3994 от 4 сентября 2015 года «О физической культуре и спорте». Благодаря инициативе и поддержке со стороны Президента Республики была утверждена программа развития физической культуры и массового спорта в Узбекистане на 2017-2021 гг. также в Указе Президента Республики Узбекистан УП-5368 от 5 марта 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в области физической культуры и спорта» а также ряда важнейших правительственных постановлений определено направление дальнейшего развития физической культуры и спорта, как в целом, так и отдельных видов спорта.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики: I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации². Научные исследования, посвященные изучению теоретических и методических аспектов подготовки спортсменов высокой квалификации по футболу и мини-футболу, проводились в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, в центре подготовки молодежи к спорту

¹ Указ Президента Республики Узбекистан за УП-3031 «О мерах по дальнейшему развитию физической культуры и массового спорта» от 3 июня 2017 г.

² www.iat.uni-ieipzig.de/; <https://visitjapan.ru/>; <https://vniifk.ru/>; www.iesgaft.spb.ru/; www.sported.ru/.

высоких достижений, Лейпцигском институте практической науки о тренировке [Федеративная Республика Германия], Центре спортивной подготовки Корея, Национальном центре тренировки Японии, Томском государственном университете, Национальном университете физической культуры, спорта и здоровья им. П.Ф.Лесгафта, Российском государственном университете физической культуры, спорта молодежи и туризма и Научно-исследовательском институте спорта [Российская Федерация].

В результате проведенных исследований в мире по определению управления, структуры и содержания учебно-тренировочного процесса на различных этапах подготовки квалифицированных футболисток разработана шкала количественной оценки уровня физической подготовленности как система комплексного контроля квалифицированных футболисток [Центр подготовки молодежи к спорту высоких достижений, определены пульсовые показатели реакции организма футболисток на нагрузку, установлены частные объемы разнонаправленных тренировочных воздействий на различных этапах подготовительного периода [Лейпцигский институт практической науки о тренировке, Федеративная Республика Германия], разработаны тренировочные программы для правильного подхода построения предсезонной подготовки футболисток [Национальный университет физической культуры, спорта и здоровья им. П.Ф.Лесгафта], определены показатели уровня физической подготовленности футболисток [Научно-исследовательский институт спорта, Российская Федерация].

В настоящее время в мире ведутся исследования по управлению и совершенствованию физической, технико-тактической, психологической подготовки высококвалифицированных футболисток, в частности исследования проводятся по следующим приоритетным направлениям: управлению и совершенствованию всесторонней подготовленности высококвалифицированных футболисток в многолетних этапах подготовки, а также разработка высокотехнологических инструментальных методик для определения различных сторон подготовленности, в частности специальной подготовленности и психофизиологического состояния футболисток.

Степень изученности проблемы. Спортивная практика требует соответствующей теоретической базы, на которой она основывается А.Е.Бабкина, А.А.Полозова, А.В.Евсеева, А.Н.Крайнова, С.А.Айткулова, Д.М.Конуров и др. в основном разработаны методики технико-тактической и психофизической подготовке игроков³. Диссертационных исследований

³ Бабкин А.Е. Технология планирования физической и технико-тактической подготовки команды по мини-футболу при туровой организации соревнований: автореф. дис. ...кан.пед.наук. -М.: 2004, -23 с.; Полозов А.А. Система рейтинга при проведении личного первенства в командных видах спорта без изменения структуры игры: автореф. дис. ...кан.пед.наук. -Тюмень.: 1999, -19 с.; Евсеев А.В. Педагогический контроль за технико-тактической деятельностью игроков команды по мини-футболу: автореф. дис. ...кан.пед.наук. -Екатеринбург: 2006, -22 с.; Крайнов А.Н. Педагогические условия формирования психофизической подготовленности девочек 11-12 лет в урочной форме занятий: на примере мини-футбола: автореф. дис. ...кан.пед.наук. -Тула.: 1999, -20 с.; Айткулов С.А. Формирование технико-тактических действий квалифицированных спортсменов в мини-футболе: автореф. дис. ...кан.пед.наук. -Челябинск.: 2005, -26 с.; Конуров Д.М. Построение учебно-тренировочного процесса на основе комплексной оценки нагрузок квалифицированных спортсменов в мини-футболе: автореф. дис. ...кан.пед.наук. -Малаховка.: 2008, -24 с.

проблеме управления всесторонней подготовкой спортсменов в этом виде спорта до настоящего времени в базе недостаточно изучены. Однако острая конкуренция на международной арене требует разработки инновационных технологий управления подготовкой спортсменов, что подчеркивает актуальность темы диссертационной работы.

Известные специалисты Р.М.Загайнов, Ф.А.Керимов, И.И.Семёнова, У.Б.Егорычева, И.В.Чернышева отмечают, что спорт занимает большое место в жизни современного общества⁴. Он не только обеспечивает всестороннее физическое развитие человека, но и содействует воспитанию его морально-волевых качеств.

